O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.M



*Қурилиш*

# КЎРКЛИ УЙ-ЖОЙЛАР

***«Ўзбекистон темир йўллари» акционерлик жамияти қошидаги «Йўлқурилиштрести»га қарашли «351-қурилиш-монтаж поезди» қурилиш бошқармаси ғиштли уй қуришга ихтисослашган. Бошқармада 100 киши меҳнат қилади. Айни вақтда унинг бунёдкорлари 60 хонадонли уйни сифатли қилиб қуриш мақсадида тер тўкишяпти. Қурилиш майдонида бўлим бошлиғи Аҳмед Назархонов билан суҳбатлашдик.***

— Қураётган уйларимизнинг ҳар томонлама кўркам бўлиши энг аввало лойиҳачиларга боғлиқ. Айрим чизмаларда уйнинг олд томони кўринишли бўлиб, орқа томонида нимадир етишмаётгандек бўлади. Шунинг учун лойиҳалар ҳар томонлама мукаммал бўлса нур устига нур бўлади. Айниқса, айвонларнинг ойнаванд бўлиши жуда кўп уйларга кўрк бахш этади.

Навбатда қурилаётган уйлар Фарғона йўли кўчасидан жой олаяпти. Бу ерда ўтган йили 24 хонадонга мўлжалланган уйни фойдаланишга топширган эдик. Яшовчилар ғоят миннатдор. Чунки уй лойиҳаси бундан 2—3 йил олдинги лойиҳалардан фарқ қилади. Хоналари кенг, шифти баланд. Бунинг устига ҳамма уйлар 3—4 хонали. Уларнинг ҳажми ҳам кенг. Масалан 4 хонали уй 72,81 квадрат метрни ташкил этади. 3 хоналиси эса 59,2 квадрат метрдир.

**— Уйларнинг лойиҳалари кимлар томонидан тайёрланади?**

— Трестимизда махсус лойиҳачилар гуруҳи мавжуд. Петр Симонов лойиҳа ишлари бўйича бош муҳандис. Мана шу қураётган уйимиз ҳам унинг лойиҳаси бўйича бунёд этилаяпти. Шунингдек, чизмаларни тайёрлашга «Уйжоййўллойиҳа» трестининг лойиҳачилари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишган.

**— Қурувчиларга яратилган шароитлар қандай?**

— Мана 21 йилдан бери шу соҳада меҳнат қиламан. Кўп қурилиш ташкилотларида ишлашга тўғри келди. Аммо ҳеч қайсисида қурувчиларга нисбатан бу ердагидек эътиборни кўрмаганман. Сабаби ёзги таътил кунларида МДҲ давлатларига бориш истагида бўлсак, темир йўл хизматидан бориш-келиш учун бепул фойдаланамиз. Бир ойлик иш ҳақи ҳажмида қўшимча маблағ оламиз. Назарбекдаги санаторийимизда имтиёзли йўлланма билан дам олиш ҳуқуқига ҳам эгамиз. Махсус поликлиникамиздаги турли хил муолажалар ҳам бепул амалга оширилади. Ҳар йили кузда қўшимча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ёки пул берилади. Бу йил ҳар бир кишига 6 минг сўмдан пул тарқатдик.

Шунга яраша ишчиларимиз ҳам куннинг совуғига ёки иссиғига қарамай уйларни тезроқ битиришга ҳаракат қилишмоқда. Зина Зокирова раҳбарлигидаги пардозловчилар, Рихсивой Раҳмедов ва Икром Турдиқулов бошчилигидаги комплекс бригада аъзолари ибрат кўрсатиб ишлашмоқда. Ишчилар орасида пардозловчи Алфия Толипова, Светлана Раткина, тикловчи Николай Капустин, Георгий Термонбелов, ғишт терувчи Мансур Абдукаримбековларни ўз касбининг содиқ усталари десам янглишмайман. Уларнинг мана шу шижоатлари туфайли Наврўз байрамига 20 та хонадонни фойдаланишга топширамиз. Қолган 40 тасини Мустақиллик кунининг 7 йиллигига эгаларига тақдим этамиз. Ўзгача лойиҳада қурилган уйларимиз, ўйлаймизки бошқаларга ҳам манзур бўлади.

*Гулзода МАМБЕТОВА.*



*«Қандолат — Руста» кичик корхонасида айни кунларда 20 дан ортиқ турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ширин-шакар маҳсулотларни аҳоли дастурхонига тортиқ этишда технолог Нигора Каримованинг муносиб улуши бор.*

*СУРАТДА: Нигора Каримова тайёр маҳсулотларни намойиш этмоқда.*

*Рашид Галиев олган сурат.*

*Касаба уюшмалар*

# МЕҲНАТ ВА ТУРМУШ ШАРОИТЛАРИ ЯХШИЛАНАДИ

***Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш йил сайин яхшиланиб бормоқда. Шаҳар кўчаларида тезюрар турли русумдаги транспортларнинг пайдо бўлиши йўловчилар манзилларини яқин қилишда кўп афзалликларга эга бўляпти. Жамоатчи мухбиримиз «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси марказий нозимлик хизмати касаба уюшмаси раиси Оллоназар Ёқубовга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.***

**— Оллоназар Ниёзматович, марказий нозимлик хизмати жамоасининг ҳаракат маромини сақлашдаги вазифалари нималардан иборат?**

— Марказий нозимлик хизмати шаҳримиз бўйича ягона, унда 600 дан зиёд турли миллат вакиллари навбатма-навбат кун бўйи транспортларнинг бир маромда ҳаракатини кузатиб турадилар. Ёки саройдан йўловчилар хизматига чиқмаган транспортларнинг ўрнини тўлдириш чораларини излайдилар.

96 та нозимлик хонасига эгамиз. Бу ердан ҳаракат маромини назорат қилувчи навбатчи нозимлар ҳар куни 1200 та автобуснинг 17.567 та рейс қилишини назорат остига оладилар. Ҳар томонлама қулай бу автобуслар кунига 2 миллион 3 минг йўловчи манзилини яқин қилади.

Жами 47 та трамвай ва троллейбус йўналишида 533 та электр транспорти ҳаракат қилиб, 545 минг йўловчини кўзлаган манзилига элтиб қўймоқда. Шаҳар аҳолисининг транспортга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш йўлида изланиш, ички имкониятлардан самарали фойдаланиш, хизмат кўрсатиш маданиятини такомиллаштириш жамоамиз ҳар бир аъзосининг кундалик иш дастуридан ўрин олган.

**— Касаба уюшмаси аҳолига хизмат маданиятини ошириш мақсадида қандай тадбирларни амалга оширмоқда?**

— Шаҳар транспорт ҳаракатларини кузатиш тўртта бўлимдан ташкил топган. Тажрибали Абдуғани Қаҳҳоров, Валентина Южавина, Лариса Мозанко, Галина Охотниковалар бўлим бошлиғи бўлибгина қолмай, нозимлар орасида таълим-тарбия ишларини яхшилашда, меҳнат интизомига риоя этишни таъминлашда, ходимларни мустақил ишлашга ўргатишда ибрат бўлмоқдалар. 25—30 йиллик меҳнат фаолиятининг жонкуярлари Эргаш Хўжаев, Гулсара Галимовалар ўз касбининг ҳақиқий жонкуярларидир.

Баъзан саройдан кечикиб чиққан ёки йўлдаги носозликлар туфайли ҳаракат жадвалининг бузилиши натижасида йўловчилар бекатларда тўпланиб қоладилар. Бундай пайтда тажрибали нозимлар саройга ёки тиклаш бўлимига маълумот берибгина қолмай, марказий нозимлик орқали носозликларнинг қандай бартараф этилаётганлиги ҳақида маълумот олиб, йўловчиларни ҳам ундан хабардор қилиб турадилар.

Ишбилармон ва фахрий нозимлар тажрибасини Надежда Чуносова, Любовь Шамбер, Равшан Абдуманнопов, Елена Арахелян каби ёшлар давом эттирмоқдалар. Чунки улар нозимлар малакасини тинмай ошириш муҳим аҳамият касб этишини яхши билишади. Геннадий Крицин, Ғайрат Аҳмедов, Лариса Мазанколар янги ходимларга касб сирларини ўргатишда ва уларнинг билимига қараб жой-жойига қўйиб ишлатишда фидокор бўлмоқдалар.

**— Оллоназар Ниёзматович, ўтиш давридаги муаммоларни ечиш борасида нозимлар моддий томондан ҳимояландими?**

— Албатта, шу кунда ҳам улар ҳимояланиб келиняпти. 250 нафар нозим 536 минг сўм миқдорида моддий таъминланди. Жамоамизнинг 45 та нафақахўрига 600 сўмдан ёрдам бердик. Бунинг устига беморларга ва кам даромадли, кўп болали оилаларни ҳар томонлама моддий жиҳатдан қувватладик.

Ўтган йили кўплаб нозимларимиз санаторий ва дам олиш масканларида соғлиқларини тиклаб, меҳнат қучоғига қайтдилар.

Саёҳат — роҳат деганларидек, уч кунлик Бухоро — Самарқанд бўйлаб саёҳат поездида ҳордиқ чиқардик. Тарихий обидалар — Улуғбек расадхонаси, Бухоро — очиқ осмони остидаги музей, Гўри Амир, Регистон, Шоҳизинда, Баҳоуддин Нақшбанднинг меъморий обидаси, Мир Араб мадрасасини зиёрат қилиб қайтдик.

Ниятимиз 1998 — Оила йилида оилалар моддий таъминотини яхшилаш, ходимларимизга тиббий ёрдам кўрсатиш билан чекланмай, балки баҳаво масканларда дам олишлари учун ҳам яхши шароитлар яратишдир.

*Суҳбатдош Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ.*



*«Ўртоқ» ҳиссадорлик жамияти қандолатчилари халқимиз дастурхонини турли-туман маҳсулотлар билан таъминлаш йўлида изланмоқдалар.*

*СУРАТДА: ширинликлар тайёрлаш жараёнидан бир лавҳа.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

*Тадбиркорлик*

# ХОРИЖДАН БУЮРТМА ОЛИШМОҚДА

Миробод туманида жойлашган «Стан» кичик корхонасида 50 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Ўтган йиллар мобайнида 100 дан ортиқ турдаги мебель маҳсулотларини ишлаб чиқарган бу жамоа аъзолари Оила йилида янги маҳсулот турларини яратиш иштиёқида меҳнат қилишмоқда.

Корхона замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлангани ва хом ашё етарли бўлгани сабабли ишлаб чиқарилаётган асосий маҳсулотлар — мактаб парталари, стол-стуллар, спорт зали учун мебель анжомлари, калитлар сақланадиган шкафлар харидорлар эътиборини қозонмоқда. Янги маҳсулот турларини яратишда корхона рассом-дизайнери Рамиль Ҳасаншиннинг хизматлари салмоқлидир. У яратган эскизлар буюртмачиларга ўзининг қулай ва шинамлиги билан манзур бўлмоқда.

— Маҳсулотларимизнинг нархини бозор иқтисоди талабларидан келиб чиқиб белгилаганмиз, — дейди корхона раҳбари В. Лучанский. — Шунинг учун ҳам сифатга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Ўтган йиллар мобайнида республикамиз олий ўқув ҳамда ўрта махсус, ҳунар билим юртлари, мактаб ҳамда мактабгача тарбия масканларини сифатли мебель маҳсулотларимиз билан таъминлаган бўлсак, бу йил қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар қабул қилдик. Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон сингари қардош мамлакатларга ўз маҳсулотларимизни экспорт қилиш ниятимиз бор. Экспортдан тушган фойдани эса корхонани кенгайтиришга ва ишчиларимизнинг моддий аҳволини янада яхшилашга сарфлаймиз.

Тадбиркорлик билан иш юритаётган корхонада ўзларининг баракали меҳнатлари билан ҳурмат топаётган Анвар Розиқов, Сергей Говорков, Бахтиёр Нурматов сингари мебель усталарининг номларини алоҳида айтиб ўтиш ўринлидир. Ўз касбини ардоқлаган бу ишчилар, доимо пухта иш юритишиб, маҳсулотнинг сифатли ва чиройли бўлишига эришмоқдалар.

*Шарифа ИЛЁСОВА.*

*Покизалик*

# МАВСУМИЙ ИШ ЭМАС!

Тошкентимизда бири-биридан гўзал ва обод маҳаллалар кўп. Масалан, Ҳувайдо, Ғ. Абдуллаев, Мингўрик, Навбаҳор, Матонат, Усмон Юсупов, Яккасарой (бу рўйхатни истаганча давом эттириш мумкин) маҳаллалари шулар жумласидандир. Мустақиллигимиз шарофати билан уларнинг кўпчилиги тамоман янгиланди. Кўриб кўз қувнайдиган гузарлар қад кўтарди. Ободончилик ишлари ҳам ибратли. Уша кўчаларни кезиб, бирор жойда нохуш манзарага дуч келмайсиз. Ҳар куни эрталаб уй бекалари ҳовли ва хонадонларни супуриб-сидириб, улардан чиққан чиқиндиларни махсус идишларга солиб, шундоққина эшик олдига чиқариб қўйишади. Ушбу маҳаллаларга бириктирилган ахлат машиналари эса мунтазам белгиланган муддатларда келиб (маҳалла оқсоқоллари бу ишни қаттиқ назорат остига олишган) идишларни тозалаб, улардаги ахлатларни олиб кетишади. Хўш, нега бу ибратли ишлардан ўзгалар ўрнак олишмайди. Айниқса бу гап кўп қаватли уйлар қошида ташкил этилган маҳаллалар ва уларнинг оқсоқолларига таааллуқлидир.

Миробод туманининг Саид Барака кўчасидан ўтаётиб бир неча жойда ахлат идишлари қўйилган бўлишига қарамай, баъзи хонадон эгалари ахлатларни идиш қолиб, кўчага тўкишаётганларининг — гувоҳи бўлдик. Кўз ўнгимизда ёшгина бир аёл ҳеч иккиланмай челакдаги қолдиқ ва чиқиндиларни кўча ўртасига ағдарди. Уни тўхтатдик.

— Шошилиб турибман. Гапира қолинг гапингизни, — деди у бурилиб кетаётиб.

— Кечирасиз, нега ахлатни идиш қолиб, кўчага тўкасиз?

— Сизга нима, терговчимисиз? Ҳамма шу ерга тўккандан кейин мен нима қилай?

— Ахир шундоққина уйингиз олди ахлатхона бўлиб ётса майлими? Эртага пашша ва чивинлар кўпайиб кетади-ку.

— Улар билан курашадиган ташкилот бор. Утиравермай келиб ўз ишларини бажаришсин-да.

Қани энди бундай мушоҳада юритувчилар онда-сонда учраса. Афсуски, бундайлар кўп орамизда.

Абдурауф Фитрат кўчаси анча обод, саранжом-саришта. Лекин уйлардан бирининг рўпарасига келиб, нохуш ҳолатга дуч келдик. Бу ерда ҳам ахлатлар махсус идишларга эмас, балки, пала-партишлик билан кўча чеккасига тўкиб ташланганди.

Афсуски, бундай нохуш ҳолатларни баъзи жамоат транспортларида ҳам учратамиз. Асосан юқумли касалликларни келтириб чиқаришга сабаб бўлаётган бу антисанитария ҳолатига транспорт саройларининг мутасаддилари етарли эътибор беришмаётганлиги ажабланарлидир. Ҳайдовчидан ҳайдовчига ўтиб, эрта тонгда йўлга чиққан баъзи транспортлар (айниқса бу автобусларда кўп учрайди) мутлақо артиб тозаланмаган бўлади. Бу машиналарнинг биринчи йўловчилари анчагача чанг юқи ва ифлос ўтиргичларга ўтиришга ботинмай туришади. Кейин мажбуран ёнларидан рўмолча чиқариб, уларни артиб-тозалашади.

Кўчаларнинг ифлос бўлишига белгиланмаган ерларда машина ювадиган қўлбола хизмат жойларининг пайдо бўлиши ҳам сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатни шаҳримизнинг турли жойларида учратиш мумкин. Айниқса, бундай манзара йирик муассаса ва идора хизматчиларига ажратилган машина тўхташ майдонларида ва пойтахтимизнинг магистрал кўчаларида учраши кечирилмасдир. Мисол учун Амир Темур кўчасининг «Қозоғистон» кинотеатри яқинидаги ва Аҳмад Дониш кўчасидаги қўлбола машина ювиш жойларини айтиб ўтиш кифоя.

Яна бир муаммо. Кўча ва бекатларнинг ифлос бўлишига савдо корхоналарида сотилаётган сувлардан бўшаган елим шишалар ҳам маълум даражада «ҳисса» қўшмоқда. Сувдан бўшаган бу шишаларни савдо корхоналари қайтариб олмайди. Улар асосан ахлат сифатида кўчаларга ташланади. Кўпинча яроқсиз ҳисобланган бу идишлардан ёш болалар кўча-кўйда футбол тўпи сифатида фойдаланиб юришади. Агар улар маҳсулот сифатида қайта ишлаш учун топширилганда эди, ҳар томонлама фойдали бўларди.

Умуман айтганда, озодалик бу мавсумий иш бўлмай, балки, унга йилнинг тўрт фаслида ҳам кундалик юмуш сифатида алоҳида эътибор билан қараш керак. Шаҳар фаолларининг барча тошкентликларга мурожаатида таъкидланганидек, шаҳримизнинг обод ва гуллаб-яшнаши учун ҳар биримиз бурчли эканмиз, тозалик ва покизалик барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

*Мақсуд ОРИПОВ.*

*Касбнома*

# ДОРИДЕК МАЛҲАМ

*Донолар «Тан сиҳатлик — туман бойлик», дейдилар. Ақлли, ўзини билган одам соғлигини, саломатлигини ёш пайтидан эҳтиёт қилади.*

Лекин инсон умид билан яшайди. «Дунёда биргина пок одам бўлса ҳам ундан путур кетмайди», деган нақл бор. Дори сотувчилар ва дорихоналар ичида ҳам яхшилари кўп. Шундайлардан бири сифатида пойтахтдаги 2-дорихонани мисол келтириш мумкин. У ерда ўттиздан зиёд ходимга Садриддин Насриддин ўғли Низомиддинов раҳбарлик қилади. У сизни ҳар доим очиқ чеҳра, ширин сўз билан қарши олади ва иложи борича ҳожатингизни чиқаришга ҳаракат қилади. «Имконияти бўлса, қўнғироқ қилинг» ёки «Фалон соатда хабар олинг, бошқа дорихоналардан топишга ҳаракат қиламиз», — дея кузатиб қолади.

Ширин сўз — жон озиғи, уни ҳамиша инсонга доридан яхшироқ таъсир этувчи бир ноёб малҳам янглиғ хизмат этишини унутмайлик!

*Мели НОРМАТОВ, ёзувчи.*

## ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

**ТОШКЕНТ ШАҲАР АДЛИЯ БОШҚАРМАСИНИНГ БОШЛИҒИ НИЗОМИДДИН ЗОКИРОВ ТАҲРИРИ ОСТИДА**

**САВОЛ: Бозор муносабатларини шакллантиришда шартномалар муҳим роль ўйнаши табиий. Хўш, шартнома деганда нимани тушунамиз?**

ЖАВОБ: Шартномалар маҳсулот ва товарларни сотишнинг ҳуқуқий шакли бўлиб ҳисобланади ва унинг асосий турлари олиш-сотиш, етказиб бериш, айирбошлаш, контрактация ва шу кабилардан иборат. Корхоналарнинг бошқа корхоналар, ташкилотлар, фуқаролар билан хўжалик муносабатлари шартнома негизида қурилади. Ушбу шартномалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги фуқаролик кодекси, бир қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлари орқали тартибга солинади.

Лекин корхоналарнинг амалдаги шартнома тузиш фаолиятида бир қанча камчилик ва тушунмовчиликлар мавжуд. Баъзи шартномаларнинг амалдаги қонунчиликка зид ҳолда тузилиши ёки нотўғри тузилиши натижасида корхоналар зарар кўрмоқда. Тузилаётган шартномалар бўйича мажбуриятларни умуман бажармаслик ёки чала амалга ошириш ҳоллари тез-тез учраб турмоқда. Бу эса ўз навбатида республика иқтисодиётига ҳам таъсир ўтказади.

**САВОЛ: Шартнома қандай тузилиши лозим? Улар қандай қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади?**

ЖАВОБ: Амалдаги фуқаролик кодексининг 353-моддасида «Шартнома — бу икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувдир», деб таърифланган.

Шартнома иштирокчилари ўзаро келишувга асосланиши лозим. Тарафлар ўзаро тенглик тамойилига бўйсунадилар, шунинг учун шартнома тузишда фуқаролар, юридик шахслар ва давлат эркин ҳаракат қилиб, ҳуқуқий муносабатнинг иштирокчилари бўладилар. Шартнома иштирокчиларига бирон-бир ташқи тазйиқ бўлиши мумкин эмас, улар эркиндир.

Шартнома унинг ҳамма асосий бандлари тўғрисида тегишли ҳолларда талаб қилинган шаклда, тарафлар ўзаро келишганларидагина тузилган деб ҳисобланади. Асосий бандлар, бу — шартноманинг қонунда асосий деб топилган ёки шу хил шартнома учун зарур бўлган бандлари, шунингдек тарафларнинг бири томонидан таклиф қилиниб, келишилиши лозим бўлган барча бандлардир.

Корхоналар шартнома тузиш вақтида асосий бандларга эътибор бермасликлари натижасида республикада талабга жавоб бермайдиган, амалдаги қонунчиликка мувофиқ келмайдиган хўжалик шартномаларида корхоналарнинг ҳуқуқларини бузиш, мажбуриятларнинг ўзаро номувофиқлиги, мажбуриятларни бажаришнинг муддатларини белгиламаслик каби ҳолатларнинг мавжудлиги аниқланди. Натижада, айрим корхоналар, айниқса хорижий корхоналар бундан фойдаланиб қолаяптилар ва шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларини бажармаяптилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 7 октябрдаги 499-сон қарорига асосан, республика ҳудудида юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги барча тўлов ва ҳисоб-китоблар фақат миллий валютада амалга оширилиши лозимлиги белгиланиб қўйилганига қарамасдан, шартнома тарафларининг иккала томони ҳам Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига асосан юридик шахс ҳисобланувчи баъзи корхоналарнинг шартномаларини чет эл валютасида амалга оширишi ҳам учраб турибди.

Шунинг учун, бизнинг бугунги кундаги асосий вазифаларимиздан бири шартномавий муносабатларни ҳуқуқий томондан тартибга солишдир. Шартномаларни тузишда пала-партишлик, бепарволик ҳолатларига барҳам бериш лозим.

*Мавлуда МАДАЛИЕВА,*

*Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси халқ хўжалигида ҳуқуқий ишларни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи.*

Телефон: 133-99-42.

***Японияning Нагано шаҳрида ўтказиладиган XVIII қишки Олимпиада ўйинларининг бошланишига саноқли кунлар қолмоқда. Мамлакатимиз қорли юртлардан бўлмаса-да, аммо спортнинг қишки турлари яхши ривожланган. Масалан, Чирчиқдаги фристайл мактаби энг кучли марказлардан бири ҳисобланади. Бу спорт тури бўйича мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Олимпия чемпиони Лина Черязова оламаро шуҳрат қозонганлиги ҳам бежиз эмас.***

*Нагано—98*

# ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР АРАФАСИДА

Наганодаги Олимпия ўйинларида спортнинг 13 тури бўйича мусобақалар ўтказилади. Бизнинг вакилларимиз эса 3 тур (тоғ чанғиси, фигурали учиш ва фристайл) бўйича қатнашадилар. Яқин кунлар ичида Наганога борувчилар рўйхати расман тасдиқланади. Ҳозирча номзодлар энг сўнгги тайёргарлик машқларини бажармоқдалар. Тўғри, ҳозирданоқ Олимпиадада қатнашувчиларни айтишимиз мумкин: тоғ чанғи спорти бўйича Комил Ўринбоев, икки нафар фигурали учиш устаси Татьяна Малинина ва Роман Скорняковлар, фристайлчилардан Лина Черязова ва Сергей Бренерлар Олимпиада йўлланмасини қўлга киритдилар.

Куни кеча пойтахт аэропортига қўнган самолётдан 3 нафар спортчимиз — Комил Ўринбоев, Асқар Еникеев ва А. Ковалёвлар тушдилар. Жанубий Кореянинг Йонг-Пьонг шаҳрида ўтказилган Осиё Кубоги мусобақасида қатнашиш спортчиларимиз учун Олимпиадага яхши тайёргарлик вазифасини ҳам ўтади. Унда қитъадаги 9 та мамлакатдан 70 нафар спортчи иштирок этди. Вакилларимиз беллашган икки тур — слалом-гигант ва махсус слалом учишларида умидли натижаларни қўлга киритдилар. Эътиборли томони шундаки, спортчиларимиз баъзи сабабларга кўра, мусобақалар бошланишига атиги бир неча соат қолганда етиб бориб, чанғида учиш йўлларини ўрганмасданоқ тўппа-тўғри беллашувни бошладилар. Шунинг учун улар маҳоратини юксак баҳолашга асос бор, дейиш мумкин. Айни вақтда бу спортчиларимиз Олимпиада олдидан яна бир сафар тараддудини кўряптилар. Бу гал ҳам Кореяга, анъанавий, «Феникс Кубоги»да қатнашиш учун таклифнома олганлар. Бу мусобақанинг яна бир эътиборли томони шундаки, Кангвон вилояти Япониянинг Нагано шаҳри билан бир хил иқлим шароити ва жўғрофий табиий кенгликда жойлашган. Спортчиларимизнинг бу мусобақадаги мавқеи баланд, кўплаб мамлакат вакиллари улардан «ҳадиксираб» турганликлари ҳам умидли, қувонарли ҳолдир.

Миллий Олимпия жамоамизнинг яна икки нафар аъзоси — Роман Скорняков ва Татьяна Малининалар Россиядаги энг яхши сунъий муз залларида машқларни тобига етказишмоқда. Ўтган йил ниҳоясида улар «Скейт Исроил» (Матулл, Исроил), «Олтин пируэт» (Загреб, Хорватия) ва «Эн-Эйч-Кей Трофи» (Нагано, Япония) Осиё чемпионати (Чонжу, Корея) каби бир қатор халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашдилар.

Фристайлчиларимиз Сергей Бренер ва Лина Черязовалар ҳам Олимпиада олдидан иккита йирик машқ-мусобақа йиғинида қатнашдилар. Лейк Плэсид (АҚШ) ва Нойштифт (Австрия) даги йиғинларда маҳоратини оширган Сергей Бренер ўзи учун янги даража — 3 марта сальто билан сакрашга ўрганди. Лина Черязова эса, 1996 йилги оғир жароҳатдан сўнг соғайиб, ҳозир икки марталик сальто машқларини бемалол бажармоқда. Айни кунларда Лина Шимолий Америкада ўтаётган Жаҳон кубогининг босқич баҳсларида қатнашмоқда.

Нагано Олимпиадасига бошқа номзодлар — Элвира Ўринбоева, Асқар Еникеев ва бошқалар ҳозир Чимёндаги машқ майдонларида шуғулланяптилар. Мураббийларнинг фикрича, улар Олимпиадада юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишлари мумкин, бироқ расмий рейтинг кўрсаткичлари бўйича Олимпия қатнашчиларига қўйиладиган талабларга бир неча очко етмайди, холос. Уларнинг Олимпиадада қатнашуви юртимизда қишки спорт турларининг ривожланишига катта туртки беришини ҳисобга олиб, республика Миллий Олимпия Қўмитаси томонидан ХОК президенти жаноб Хуан Антонио Самаранчга хат йўлланди. Хат Бутунжаҳон чанғи спорти федерацияси ва Нагано Олимпиадасининг ташкилий қўмитасига юборилиб, бу масала яқинда ижобий ҳал этилиши мумкинлиги ҳақида жавоб хати олинди.

*Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.*



*Тошкент — қиш либосида.*



*Гиламда — юртимизнинг алпомишлари.*

*Рашид Галиев олган сурат.*

# ТУРФА ОЛАМ

## «ИЛОНЛАР ҚИРОЛИ»НИНГ РЕКОРДИ

Малайзиялик «илонлар қироли» Али Хон Шамсуддин ўзига хос рекорд ўрнатди. У уч ҳафта давомида ўз танасида беш мингдан зиёд чаённинг «сайр қилиши»га йўл қўйиб берди. Шу вақт ичида уни чаёнлар жами тўқсон тўққиз марта чақдилар. Али Хонгача ўрнатилган рекорд соҳиби ҳиндихитойлик бўлиб, у икки ҳафта мобайнида танасига «атиги» уч минг беш юзта чаённи қўйиб юборган эди.

## ЮЗ МИНГ БОҒИЧ

Германиянинг Штендал шаҳарчасида яшовчи Ҳелмут Бредман ёшлигидан... пойабзал боғичларини тўплашга қизиқарди. Эллик ёшга тўлганида у ана шу «хобби»си туфайли анча таниқли бўлиб қолди. Бредманнинг антиқа коллекцияси тўғрисида маҳаллий рўзномада қайта-қайта ёзишди. Коллекциячилар учун мўлжалланган махсус немис нашрларида Бредманнинг жилмайиб турган суратлари қўлдан қўлга ўтди. У тўплаган боғичлар жуфтлигининг сони юз мингтадан ошиб кетди.

Коллекциядан Германияда машҳур бўлган давлат арбоблари пойафзалларининг боғичлари, шунингдек, Бредманнинг бобосидан қолган узилган боғичлар ҳам ўрин олган.

## БАХТ ПУЛДА ЭМАС ЭКАН...

Ғарбда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Европа ва Американинг жуда кўплаб руҳий шифохоналари аксарият ўзига тўқ одамлар билан тўлибтошган. Бойлик одамларни ақлдан оздирибгина қолмай, балки уларни депрессия (руҳий сиқилиш)га ва ўз жонига қасд қилишгача ҳам олиб келар экан. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Машҳур адиб Жек Лондон ҳам ўз даврида бой бўлиш учун тиришиб меҳнат қилган. Бойликка эришгандан сўнг эса, энг бахтиёр дамларим камбағалликда кўрган кунларим экан, дея афсусланиб ёзган эди. Таниқли Кодак ва Савва Морозов ўз жонларига қасд қилишиб, умрларига нуқта қўйдилар. Нефть магнати Рокфеллер оғир руҳий сиқилиш оқибатида бу дунё билан хайрлашди. Мультмиллиардер Говард Хьюз эса ақлдан озиб, кун бўйи хонасини ичдан бекитиб олиб, яланғоч ҳолда узала тушиб ётиб оларкан. Бу фожиалардан уларни ўзлари эга бўлган беҳисоб бойликлари ҳам қутқаролмаганига тарих гувоҳ.

## ЖЕЙМС БОНД «ҚЎЛГА ТУШДИ»

Германиянинг Керпен шаҳар полиция бўлинмасида телефон жиринглаб, «дўконда қандайдир қуролли кимса юрганлиги»ни маълум қилишди. Айтилган манзилга зудлик билан борган тезкор гуруҳ аъзолари ҳақиқатан ҳам пештахта орқасида турган қуролли кишига кўзлари тушади ва узоқ ўйлаб ўтирмасдан эшикни бузиб, ичкарига бостириб киришади. Бироқ... уларнинг кўз ўнгида реклама (тижорат) мақсадида картондан ясалган қўлида қурол тутган изқувар Жеймс Бонд бор бўй-басти билан савлат тўкиб турарди.

*Мирзаали АКБАРОВ тайёрлади.*

***Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислиги институтида миллий кураш бўйича шаҳримиз туманлари ўртасида қизиқарли мусобақалар бўлиб ўтди. Унда шаҳримизнинг барча туманлари ва Тошкент вилоятининг Қибрай тумани полвонлари ўз кучларини синаб кўришди. Турнирда жами 150 дан ортиқ миллий кураш усталари олтита вазн тоифаси бўйича ўз маҳоратларини намойиш этди.***

*Миллий кураш*

# ГИЛАМДА — ТУМАН ПОЛВОНЛАРИ

Финал беллашувларидан сўнг 55 килограммгача вазнда Илҳом Камолов, 60 килограммгача баҳсда Акмал Ҳусниддинов, 66 килограммгача полвонлар ўртасида Шерзод Тошпўлатов, 73,81 килограммлилар ўртасида Исоқ Позилов ва Жаҳонгир Саъдиевлар ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Энг оғир — 81 килограммдан ортиқ вазнда кураш айниқса қизғин кечди. Унда Шерзод Мирзанов барча рақибларининг курагини ерга текизган ҳолда ғолибликни қўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида Мирзо Улуғбек тумани шарафини ҳимоя қилган миллий кураш усталари деярли барча вазнларда устун келган ҳолда биринчи ўринни эгаллашди. Акмал Икромов тумани полвонлари иккинчи, сергелиликлар эса учинчи бўлишди.

Мусобақа ғолибларига Мирзо Улуғбек туман спорт қўмитаси томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар топширилди.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

*«02»*

# БЕЛДАГИ ҚОРА ДОРИ

Узоқдан келаётган машина чироғини бир ёқиб, ўчирдию кейинги айланишга етиб-етмай тўхтади. Хурсандчилиги ичига сиғмай Норбек оғир юк машинаси томон қараб чопди.

— Совуқ қоттандирсиз, — деди ҳайдовчи Норбекка қараб.

— Эҳ. Бундай ҳаводан баттарини ҳам кўрганмиз. Чидаса бўлади, — оғир хўрсиниб ўрнидан бир қўзғалиб қўйди Норбек. Қўллари билан чўнтагини пайпаслаб сигаретини излай бошлади. Ярим ғижим сигарет қутисидан бир донасини олиб лабига қистирди. — Ишларим яхши бўлиб кетса бир дам оламан. Ҳаммаси, айниқса, ўзга юртларга қатнаш жонимга тегиб кетди, — деди Норбек чуқур хўрсиниб ҳайдовчига.

— Энди, оғайни, бола-чақани деб инсон нималарга мажбур бўлмайди, — деди унга далда бергандай бўлиб ҳайдовчи.

Лекин Норбекнинг ичида қандай дарди борлигини у билмасди.

Ўзаро суҳбат то Норбекнинг манзилига етгунича давом этди. Ҳайдовчи зерикмаслик учун қанчалик ҳазил-ҳузул гаплардан сўзламасин, барибир Норбек учун бу гаплар умуман кераксиз бўлиб, бу қулоғидан кириб у қулоғидан чиқиб кетарди. Унинг кўнгли чироқ ёққанда ҳам ёришмасди. Шундай кайфиятда Тошкентга кириб келди.

Норбек келишилгандек Юнусободдаги хонадонлардан бирига келиб қўнди. Мижоз мезбон таъкидлаганидек эртага куннинг иккинчи ярмида келиб уни керакли жойга олиб кетиши керак. Меҳмон мезбон қанчалик уринмасин жойга чиқиб дам олишга шошилмади. Охири эгаси чиқиб кетгач устидаги кийимини ҳам ечмасдан чироқни ўчириб ётишга чоғланди. Белидаги «товар»нинг қанчалик қимматбаҳо эканлиги унинг миясига бир дақиқа ҳам тинчлик бермасди.

Инсон бир нарсадан қаттиқ ҳаяжонга тушса тилдан қолиш даражасигача етиб боришини эшитганмиз. Норбекнинг ҳозирги аҳволи ҳам телбаникидан асло қолишмасди. Ташқаридан ҳеч қандай тазйиқ бўлмаса-да ички тазйиқ унга ўз таъсирини ўтказиб бўлганди, ниҳоятда саросимага тушганди.

Уйқу ҳам бўлмади. Кўзини қанчалик юмиб ухлашга ҳаракат қилмасин, бўлмади. Тун бўйи турли хил васвасалар билан олишиб чиқди. Шу алпозда тонг оттирди. Эрталаб унинг олдига мижоз келди. «Товар»ни керакли жойга олиб бориш лозимлигини тушунтирди.

— Тошкентнинг бир чеккаси экан-да, — дея хўрсиниб қўйди Норбек. — Энди оғайни, керак бўлганидан кейин Тошкентнинг эмас, дунёнинг ҳам бир чеккасига олиб борасиз.

—Бу гапингизни шеф эшитиб қолса нақ оёғингиздан осади. Буни менга айтдингиз, бошқа биров эшитмасин, — деди мижоз.

— Сиз менга яқин бўлиб қолганингиз учун айтдим-да, — деди Норбек ҳам ичидаги қўрқув ила юзага қалқиб чиқай деб турган ҳаяжонини билдирмасликка ҳаракат қилиб.

— Дунёнинг ишларига ҳам тушунмай қолдим, — деди вазиятни бироз юмшатишга уриниб мижоз. — Кимдир йиллаб, ойлаб қора меҳнат қиладию топгани кунига етмайди. Кимлардир эса йиллаб, ойлаб қуёш нималигини билмасдан уйида ётадию жарақ-жарақ пуллар топади. Қани бу ерда мантиқ?

Бир марта оғзидан гуллаб зўрға қутулган Норбек унинг гапларига ҳеч нима демади. Аниқроғи, бу одамдан чўчиди. Ким билади Норбек айтган гапларга мижоз шефга ёқиш мақсадида қанчалик ёлғон-яшиқ аралаштиради.

Мижоз кетди. «Товар»ни ўзингиз уйга олиб ўтасиз», дея кимга ва қаерга олиб боришини тушунтирди.

Норбек Ҳамза туманидаги уйлардан бирига йўл олди. «Газ-24» эшигини оча туриб такси ҳайдовчисига ҳақини тўлади. Кечаги довдирашлари ҳали давом этар, кўчада кимни кўрса гумон қилиб қўрқарди. Қўрққанга қўша кўринади, деганлари шу бўлса керак-да. Аммо фуқаро либосидаги тезкор вакиллар «Жиноят-қидирув бўлимиданмиз», деб ўзларини таништирганларида Норбек оёқлари бўшашиб, жонсиз бўлиб қолгандай эди. Ҳужжатларини сўрашди. «Тожикистон Республикаси фуқароси экансиз, қаерда яшаяпсиз», деб сўрашларининг ўзидаёқ Норбек шошилиб қолди. Унинг хатти-ҳаракатларидан безовталанаётганлигини сезиб қолган жиноят-қидирув бўлими ходимлари қўлидаги елим халтасида нима борлигини сўрашганида «Керакли нарса», деб қўя қолди. Чала-чулпа жавоб милиция ходимларининг шубҳасини янада кучайтирди.

Холислар иштирокида Норбекнинг халтаси текшириб кўрилганида ундан салкам бир юз йигирма грамм гиёвандлик моддаси чиқди. Аммо буниси ҳали ҳолва экан. Норбекнинг белидаги заҳри қотил эса нақд бир килоча чиқди. Белига боғлаб олинган «товар» шу тариқа фош этилди. Ҳамза тумани ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан шаҳримизда гиёвандлик моддаларини тарқатишга уринган кимсанинг фаолиятига барҳам берилди.

Ҳозир ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган бўлиб, фуқаро И. Норбек ўзининг барча қилмишлари учун жавоб бермоқда, Қинғир иши уни фалокат сари бошлади.

*Мирза АБДУЛЛАЕВ,*
*Тошкент шаҳар ИИББ ходими.*

**Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


### АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази (қисқача «Марказ») Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 65, 105-моддаларига биноан республика ҳудудида жойлашган барча акциядорлик жамиятлари 1997 молиявий йил тугагандан кейин олти ой муддатдан кечиктирмасдан ўзларининг умумий ҳисобот йиғилишларини белгиланган тартибда ўтказишлари лозимлигини маълум қилади. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишларини ўтказишдан олдин акциядорлик жамиятининг йиллик молиявий-хўжалик фаолияти мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик текширувдан ўтказилиши шарт.

Умумий йиғилиш ўтказиш санасидан бир ой олдин, умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида эълон, жамиятнинг йиллик якуний молиявий ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб варағи матбуотда чоп эттирилиши зарур.

Умумий йиғилиш ўтказиш ҳақида барча акциядорларга, шу жумладан агар жамиятнинг давлат улуши мавжуд бўлса, тегишли давлат органларига ҳам хабар берилиши керак.

Йиғилишлар ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар, унинг натижалари ва акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботлари ўз вақтида Марказнинг жойлардаги ҳудудий бўлимларига тақдим этилиши лозим.

Аудиторлик текширувлари, умумий йиғилишларни ўз вақтида ва қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказмаслик ҳамда юқоридаги кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни вақтли матбуотда чоп этмаслик ҳоллари учун энг кам иш ҳақининг 70 бароборидан 800 баробаригача иқтисодий жарималар қўлланилиши алоҳида таъкидланади.

*ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ.*

### МАТБАА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ ВА САНОАТ ДИЗАЙНИ СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ФИРМА ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг лотереяларни ташкил қилиш бўйича бошқармаси «Тошкент» лаҳзали пуллик лотереяси иккинчи чиқарилиши ўтказилиши арафасида лотереянинг реклама плакатини тайёрлаш юзасидан танлов эълон қилади. Танловда мулкчиликнинг шакли ва қайси идорага тегишли бўлишидан қатъи назар хоҳловчи фирма ва корхоналар иштирок этишлари мумкин.

Танлов ғолибининг бош мукофоти — ўзи ишлаб чиққан плакатни тайёрлаш юзасидан буюртманинг бутун ҳажмини жойлаштириш бўлади.

**Танлов ишларини топшириш муддати 1998 йил 15 февралгача давом этади.**

***Танлов шартлари бўйича маълумотларни 133-91-87 телефони орқали ёки қуйидаги манзилдан: Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй, 46-хона (Тошкент шаҳар ҳокимлиги эски биносининг 3-қавати)дан олишингиз мумкин.***

### Тошкент шаҳар дезинфекция станциясининг хўжалик ҳисобидаги туман дезинфекция станциялари корхоналар, муассасалар, ижара ташкилотлар ва хусусий уйларда яшовчилар билан пашшалар, суваракляр ва кемирувчиларни йўқотиш юзасидан 1998 йилга шартнома тузади.

**Туман дезинфекция станцияларининг манзиллари:**

- Юнусобод туман дезинфекция станцияси—Папанин кўчаси, 19-уй. Тел: 133-11-56.
- Миробод туман дезинфекция станцияси—Помир кўчаси, 13-уй. Тел: 191-13-64.
- Ҳамза туман дезинфекцияси—Ўш кўчаси, 34-уй. Тел: 191-53-48, 191-47-73.
- Чилонзор туман дезинфекция станцияси—Аллея боши берк кўчаси, 65-уй. Тел: 45-37-41, 45-37-55.
- Акмал Икромов туман дезинфекция станцияси — 22-мавзе. «Москваликлар шаҳарчаси». Тел: 74-19-96.
- Шайхонтоҳур туман дезинфекция станцияси — Санитария-дезинфекция жамоа корхонаси. Тел: 144-30-35, 144-27-94, Қоратош кўчаси. Киев боши берк кўчаси, 1-уй.
- Собир Раҳимов туман дезинфекция станцияси — У. Юсупов кўчаси, 108-уй. Тел: 41-19-35, 41-80-84.
- Сергели туман дезинфекция станцияси—Мардлик кўчаси, 56-уй. Тел: 58-52-44.
- Яккасарой туман дезинфекция станцияси—М. Мироқилов кўчаси, 9-а уй. Тел: 56-31-15.
- Бектемир туман дезинфекция станцияси—Ҳ. Бойқаро кўчаси, 49-уй. Тел: 195-26-06.
- Тошкент шаҳар дезинфекция станцияси—Қорасарой кўчаси, 341-уй. Тел: 48-74-73, 48-79-93.

**Иш вақти — ҳар куни соат 8.00 дан 17 гача.**

*Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсат этмаган ташкилотлар ва шахсий кишилар тарафидан дезинфекция ва дератизация ишларини бажаришга шартнома тузиш ва буюртма асосида ишлаш ман қилинади.*


Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлинмаси жамоаси республика пенсия жамғармаси бошқаруви раисининг собиқ ўринбосари

**Лола Каримовна МУҚУМБОЕВА**нинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.


Тошкент оқшоми
Toshkent oqshomi

**Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**

**Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

***Телефонлар:* хатлар – 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.**

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209*

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0973. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ 9.272 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.